



MILLIY TIKLANISH

44 (528) ● 2018 йил 7 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Пленум

БУГУНГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ, РАЎБАР КАДРЛАР ТАЙИНЛАНДИ



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий кенгаши аъзолари, депутатлар, ЎЗМТДП ҳудудий ташкилотлари раҳбарлари, партия фаоллари иштирок этди.

Пленумда ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди.
— Партияимиз давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 июлда парламент палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини олиб бораётти — деди партия етакчиси.

2-бет →

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари...

ЎЗМТДП ГИЛАМ МУЗЕЙЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАКЛИФИНИ ИЛГАРИ СУРМОҚДА

Ўзбек халқ амалий санъати олис тарихга, бой анъаналарга эга. Улар орасида, айниқса, гиламдўзлик санъати ўзининг ранг-баранг ва хилма-хиллиги билан алоҳида ажралаб туради. Гиламдўзлик санъати қадимдан Марғилон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ҳудудидида кенг ривожланган. У бадий тўқимачилик соҳасининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Гиламлар ҳар бир ҳудудда ўзига хос шаклда тўқилади. Қарши ва Косон туманида ранг-баранг бўёқ ва геометрик шаклдаги гулдор шолчалар, Самарқанд туманида узун патлик жулқирс шаклдаги палослар, Фарғонада ипак гиламлар, Андижонда "қизил-оёқ" гиламлар кенг тарқалган. Хива эса ўзининг тикан техникаси асосида тўқиладиган гиламлари билан машҳур. Гиламларда халқимизнинг ўтмиши, тарихи, маданияти, халқ оғзаки ижоди намуналари акс этган.

3-бет →



Кенгайтирилган йиғилиш

ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА



Мамлакатимиз ўз ташқи сиёсатида яқин ва узоқ давлатлар билан дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаб бормоқда. Турли йўналишдаги шартнома ва келишувлар мамлакатимиз, халқимиз манфаатларига, юртимизнинг ҳар жиҳатдан ривожланишига хизмат қилаёттир. Бундай ёндашувлар юртимизнинг ижобий имижини шакллантириши, турли соҳага инвесторларни жалб қилиши, уларнинг ишончини қозонишида муҳим ўрин тутади. Ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлиги, замон талаблари ва халқаро стандартларга мос тарзда ташкил этилиши, аввало, соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати соҳасидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш" мавзусидаги кенгайтирилган йиғилишда янги тахрирдаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

2-бет →

Муносабат

МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИГИМИЗ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ТАРҒИБ ЭТИЛАДИ

Ўзбек миллий хунарандчилиги қадимий ва бой тарихга эга. Унда ота-боболаримизнинг тарихи, маданий ва ижтимоий ҳаёти акс этган. Ҳар бир хунарандчилик маҳсулоти бежиримлиги, ўзига хослиги, ранг-баранглиги, сир-асрори билан ажралаб туради. Юртимизнинг деярли барча ҳудудидида ўзига хос хунарандлик мактаблари шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаёттир. Хунарандлик анъаналарини асраб-авайлаш, ривожлантириши, хунарандлар фаолиятини кенг тарғиб этиши бузғунги кун талабидир. Президентимизнинг шу йил 5 ноябрдаги "Халқаро хунарандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори санъат даражасидаги миллий хунарандчилигимизни янада кенг тарғиб қилиши, ўзбек хунарандлари маҳоратини дунё саҳнида намойиш этиши имкониятини яратди.

Қарорга кўра, мазкур фестиваль ҳар икки йилда бир марта Қўқон шаҳрида ўтказилади. Бунинг замирида ҳам ўзига хос маъно бор. Негаки, Фарғона водийси моҳир хунарандларга бешик бўлган юрт. Марғилон шаҳрида матолар билан ишлаш, Қўқонда кандакорлик, пичоқчилик, Риштон туманида кулолчилик ва чиннисозлик йўналишлари кенг ривожланган. Бугун вилоятда хунарандчиликнинг 32 йўналиши бўйича бир ярим мингдан ортқ хунаранд фаолият олиб бораёттир. Улар орасида ўз мактабига эга, турли халқаро ва мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган кўргазма ва фестиваллар иштирокчилари, давлат мукофотлари соҳиблари бор. Жумладан, Қўқонлик ёғоч ўймакор устаси Абдуғани Абдуллаев Ўзбекистон Қаҳрамони, Муҳаммадали Юнусов Ўзбекистон халқ устаси деган шарафли унвонга сазовор бўлган.

2-бет →

Маданият алифбоси

"ҲАЁ — ХАЛОСКОР"

Аёл — ҳаёт давомчиси, миллат келажиги, латофат ва нафосат соҳибаси. Аёлларга эҳтиром кўрсатиши, уларни эъзозлаш — бизга ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос.

...Киз боланинг тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақида гап кетса, энг кўп тилга олинадиган сўз ибо ва ҳаё бўлса керак. У тарбия кўрган фарзанднинг оддий ҳаракатидан тортиб, юриш-туриши, кийиниши, гап-сўзи, жамоат жойи еки оилада ўзини туттиши, хуллас, одоб-ахлоқида намоён бўлади. Қадриятларимизда киз тарбиясида сергак турилади. Ешлигидан одобга ўргатилади. Отасидан бироз тортинувчи, кўзларга тик боқмайдиган, одобу ахлоқда беназир қизлар миллат кўркидир, аслида.

Аёлни она, деб эъзозлаймиз. Онанинг ҳаёси унинг гултожи. Ҳаё — аёлнинг ташриф қоғози. Унга қай йўсунда амал қилиш, ундан қандай, қайси мақсадларда фойдаланиш кўпроқ аёлнинг ўзига боғлиқ. Бирок афсуски, мўътабар ва улуг зотлигини унутиб қўяётган оналар ҳам баъзан учраб туриши киши дилини хуфтон қилади...

Кўча-қўйда, жамоат жойларида ёки айрим ишоналарда энгил-елли, очиқ-сочиқ ва ҳатто ярим яланғоч кийиниб юрган баъзи хотин-қизларни кўравериб, қурғур кўз ҳам ўрганиб кетди.

8-бет →

ОБУНА-2019

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158

Газетамизга обуна давом этмоқда!

Миллий қадриятларимизни эъзозлаш, глобаллашув даврида халқимиз, айниқса, ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида замонавий қараши ва турли фикрлар чорраҳаси учун муносиб минбар бўлган "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!



Ортиқали ҚОЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби

Ушбу сонда:

"ЯХШИРОҚ ШАҲАР — ЯХШИРОҚ ҲАЁТ"



7-бет →



ТАБИЙ АМФИТЕАТР → 7-бет

MILLIY TIKLANISH — МАМЛАКАТИМИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!



"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқин!



Конун кучга кирди

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) САЙЛОВИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Мустиқлик йилларида маҳалла ва оила институтлари ўзаро узвий-уйғун ҳолда ривожланмоқда. Бугун мамлакатимизда давлат органларидан холи бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими яратилди...

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидоғи ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида белгиланган.

Бугунги кунга қадар мазкур соҳадаги сайловни ташкил этиш ва ўтказиш "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга ошириб келинган.

Таъкидлаш жоиз, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 42-бандида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови жараёнини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Шунга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, парламент кўйи палатасига киритди.

Хўш, ушбу соҳада янги қонунни қабул қилишнинг қандай зарурати бор эди?

Аввало, олдинги қонунга мувофиқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) билан бир вақтда унинг маслаҳатчиси ҳам сайланган. Маъlumки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари бир вақтнинг ўзига фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларига ҳам раҳбарлик қилади.

Яна бир жиҳат: олдинги қонунга мувофиқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ваколат мuddати 2,5 йил бўлиб, бу мuddат уларга ўз билим ва бошқарув қобилиятларини тўлиқ намоён этишга имконият яратмади.

Мамлакатимизда шаклланган амалиётга кўра фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини эмас, балки фуқаролар вакилларининг йиғилиши орқали сайланади.

Аҳолининг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзод, сайловни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмағи қолиши ҳолати тез-тез учраб туради.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови кўп ҳолларда очик овоз бериш йўли билан ўтказиб келинган.

Мазкур сайловни ташкил этиш ва ўтказиш Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясига юклатилган эди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бўйича Европа хартиясига мувофиқ (Страсбург, 15 октябрь 1985 йил), "маҳаллий бошқариш" деганда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун доирасида, ўзининг жавобгарлиги остида ҳамда маҳаллий аҳоли манфаатларини кўзлаб жомаот ишларини белгилаш, уларни бошқариш ҳукуқи ва қобилияти тушунилади.

Хорижий мамлакатларнинг муниципал кенгашлари турли ваколат мuddатига эга. Хусусан, маҳаллий ўзини ўзи

бошқариш вакиллик органларининг ваколат мuddати: Бولивия ва Мексикада 2 йилни, Эстония ва Янги Зеландияда 3 йилни, Дания, Норвегия, Польша ва Японияда 4 йилни, Италия, Кипр, Туркия ва Украинада 5 йилни, Бельгия ва Францияда 6 йилни ташкил этади.

Юқориди санаб ўтилган ҳолатлардан келиб чиқиб, янги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Сайловда кўпроқ фуқароларнинг иштирокини таъминлаш мақсадида ҳовиллар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакилигининг энг кам миқдори белгиланди.

Янги қонун билан фуқаролар вакилларига нисбатан талаблар ўрнатилди. Хусусан, қоида тариқасида ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-этиборга эга бўлган фуқаролар вакил бўлишлари мумкин.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар фуқаролар вакиллари ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар фуқаролар вакиллари таркибидан чиқарилади.

Энди сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масаласи билан Олий Мажлис Сенати Кенгашининг комиссияси эмас, балки Сенат Кенгаши тузадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси шугулланади.

Фуқароларнинг ўз хоши-иродасини эркин билдиришларига таъсир кўрсатмаслик мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловларида яширин овоз бериш тизими ўрнатилди.

Фуқароларнинг ўз хоши-иродасини эркин билдиришларига таъсир кўрсатмаслик мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловларида яширин овоз бериш тизими ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жараёнининг очиклигини таъминлашга, фуқаролар йиғинининг кадрлари салоҳияти ва маҳалла институтининг жамияттаги ролини оширишга хизмат қилади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси



Давра суҳбати

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимига қаратилган таклиф ва ташаббуслар билан чиқиш, электротан манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсий партиялар олдида турган долзарб вазифалар сирасида туради.

ФАОЛЛИК, ТАШАБУСКОРЛИК, ЖОНКУЯРЛИК

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТИ АНА ШУ УЧ ОМИЛГА АСОСЛАНИШИ КЕРАК



Ўткир ЖУМАЕВ, халқ депутatlари Қоровулбозор туман Кенгаши депутати:

— Худудлардаги долзарб масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ва депутатларнинг роли ва фаоллиги, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, ҳар биримиз бугун ўз-ўзимизга "депутат бўлиб, нима қилдим?", деган саволни беришимиз керак.

ЎЗМТДП дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, ўғил-қизларимизнинг бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлашга, банклардан имтиёзли кредитлар олишига амалий ёрдам бериляпти.

Имом ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган аҳоли билим мулоқотимиз давомида 1-гуруҳ ногирони Бахшилло Жабборов яшаб турган уйи таъмирталаб эканлигини, хонадондаги сув қувурлари ҳам ишдан чиқиб қолганини билдириб, амалий ёрдам сўради.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллий Кенгаш депутатининг иштироки ва саъй-ҳаракати билан жойида ечим топадиган масалалар бисёр. Фақат уларга

доимий эътибор қаратиш ва ваколат доирасида ташаббус кўрсатиш керак бўлади.



Шуҳрат ШАРИПОВ, халқ депутatlари Навоий вилоят Кенгаши депутати, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби:

— Депутат халқ вакили бўлиш билан бирга, мамлакатдаги ислохотларнинг фаол иштирокчиси, амалий ишлар кўмакчисиدير.

Бугун халқ депутатлари Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ўз зиммасидаги вазифаларни чуқур англаган ҳолда ҳаракат қилишга интилоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 12 июлда парламент палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан сўнг сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ишида жонланиш кузатилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлда парламент аъзолари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишида юртимиздаги тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш, буюк аждодларимизнинг қадимжоларини обод этиш бўйича олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда ЎЗМТДП ташаббускор бўлиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Маҳаллий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш имлиги ишлаб чиқариш давлат инспекцияси тақдим этган маълумотга кўра, Навоий вилоятида жами 421 та маҳаллий мерос объекти мавжуд.

диққатга сазовор жой ҳисобланади. Партия ташкилотлари ва гуруҳлари, тегишли мутахассислардан иборат ишчи гуруҳларининг ўрганишлари давомида маълум бўлишича, 163 та маҳаллий мерос объектларининг кадастр ҳужжати мавжуд, холос.



Азимбой ЁРМЕТОВ, халқ депутatlари Хоразм вилоят Кенгаши депутати:

— Ҳар бир демократик давлатнинг ижтимоий-иқтисодий,

сиёсий-маънавий ривожланишида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутди. Партияларнинг барча даражадаги депутатлари эса худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида партиявий мақсад-вазифаларни ифода этишга интилади.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 12 июлда парламент палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан сўнг сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ишида жонланиш кузатилмоқда.

Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎЗМТДП гуруҳи аъзолари ҳам ўз ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда мавжуд масала-муаммоларни ижобий ҳал қилишга эътибор қаратмоқда.

Фаолиятимизда эришилган натижалар бугунги шиддатли давр нуқтаи назаридан қониқарли эмас, албатта.

Муҳтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Муҳтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Мутлола

ЯХШИ ВА ЯНГИ КИТОБ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Шукур Холмирзаевнинг номи юртимизда яхши маълум. Атоқли ёзувчининг асарларидан бахраман бўлмаган одам кам топилмас.

Муаллиф китобда мақсадини тўла юзага чиқариш мудаосида кўплаб янги қадамлар қўйган. Асар изчил хронологияга асосланган.



Унинг ижодий эътиқоди — ўша "урҳо"лар замонида ҳайқириқлар, қарсақбозликларни эмас, инсонни, ёнида гимнлаб юрган замондошнинг адабиётнинг қалбига олиб киришни тақозо этди.

Бу ҳолни жасорат дебми ёки қахрамонлик деб аташ лозим? Балки ўз халқига бетамна фарзандлик хизматидир. Нима бўлганда ҳам тоталитар тартиблар олов пурқаб турган шароитдаги бу ҳаракат ўз шарафини топтомо лозим.

Олим Тошбоев ёзувчи иқтидори қирраларини инкишоф этиш учун унинг асарларидан намуналар: "Тўлқинлар" қиссаси, "Сўнгги бекат" романи, "Одам", "Қария", "Ўзбек характери", "Кўк денгиз" сингари ҳикояларини таҳлил қилади.

Мутлолаани тугатар эканмиз, кўнгилда бир соғинч уйгонгандек бўлади. Бу — тирикликда дуч келган, суҳбатдан бахраман бўлган устозлар тисмолини китобларда кўриш...

муносабатдан ўқиниб, шундай ёзган экан: "Умуман, роман ўша вақтда... қадр топмади. Унинг ғоясини англаган дўст-ёронлар ҳам бирон калима илқ сўз айтмади".

Олим Тошбоев "Абадий замондош" китобида олим ва тадқиқотчи сифатида ўша кунлардаги даврий нашрлар қиёфаси, уларнинг замон ижтимоий муҳитидаги ўрни ҳақида жўяли далиллар келтиради.

Мутлолаани тугатар эканмиз, кўнгилда бир соғинч уйгонгандек бўлади. Бу — тирикликда дуч келган, суҳбатдан бахраман бўлган устозлар тисмолини китобларда кўриш...



Ҳаким САТТОРИЙ

Ижтимоий реклама

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди "Соғлом турмуш тарзини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш, унинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни кўллаб-қувватлаш"

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳалари қабул қилинади:

- 1. Аҳолининг кенг қатламларини (нуронийлар, ёшлар, аёллар ва бошқалар) жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш;
- 2. Маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига шарт-шароит яратиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашиш;
- 3. Ёшларнинг уюлмаган қатламларини турли спорт тўғаракларига, спорт мусобақаларига жалб қилиш, бўш вақтларини мазмуни ташкил этиш;

Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
- 2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
- 3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низоми) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди

"Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик назоратини юксалтириш" мавзусида давлат гранти кўшимча танловини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳалари қабул қилинади:

- 1. Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини ва қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини, уларга риоя этилишини кенг тарғиб этиш;
- 2. Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;
- 3. Меҳнат қонуничлиги талабларининг бажарилиши, мажбурий меҳнатга йўл қўймастик юзасидан аҳоли билан очиқ мулоқот механизмларини жорий этиш;

Танловга иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
- 2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
- 3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низоми) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;
- 4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

